НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ ИЛК БОСМАХОНА

Курбанов Санжар Рамилович
Навоий инновациялар университети
navoiyyoshlari@bk.ru

Аннотация. *Ушбу мақолада Навоий шаҳрида матбаа ишлаб чиқаришининг шаклланиши ва тараққиёти Навоий кон-металлургия комбинати босмахонаси фаолияти мисолида тарихий-хронологик ҳамда тизимли ёндашув асосида тадқиқ этилади.*

Калит сўзлар: *Навоий, матбаа, полиграфия, босмахона, саноат, устоз-шогирд.*

Abstract. *This article examines the formation and development of the printing industry in the city of Navoi, using the activities of the printing house of the Navoi Mining and Metallurgical Combine as a case study. The research employs a historical-chronological approach combined with a systematic analysis.*

Keywords: *Navoi, printing, printing industry, printing house, industry, master–apprentice tradition.*

Аннотация. *В данной статье исследуются становление и развитие полиграфического производства в городе Навои на примере деятельности типографии Навоийского горно-металлургического комбината. Исследование проводится на основе историко-хронологического и системного подходов.*

Ключевые слова: *Навои, печатное дело, полиграфия, типография, промышленность, наставничество.*

Кириш

Шаҳарлар тарихини ўрганишда фақат йирик саноат корхоналари, меъморий иншоотлар ёки маъмурий бошқарув тизимининг шаклланишига эътибор қаратиш етарли эмас. Муайян ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, аввало, ишлаб чиқариш жараёнларини таъминлаган ёрдамчи тармоқлар, ахборот алмашинуви воситалари, ҳужжат айланиши тизими ва касбий меҳнат маданияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Навоий шаҳрида матбаа ишлаб чиқаришининг шаклланиши ва ривожланиши

саноатлашув тарихининг муҳим, бироқ алоҳида илмий тадқиқотга муҳтож йўналишларидан бири ҳисобланади.

1958 йил сентябрь ойида Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилгач, ҳудудда саноат инфратузилмасини барпо этиш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва корхоналар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилди. Янги ишлаб чиқариш объектлари, устахоналар, цехлар ва таркибий бўлинмаларнинг фаолияти эса нафақат технологик ускуналар, хомашё ва ишчи кучини, балки бошқарув ҳамда ҳисоб-китоб ишларини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатларни ҳам талаб қиларди. Мазкур эҳтиёжлар қаторида турли шаклдаги бланкалар, бухгалтерия ҳужжатлари, ишлаб чиқариш журналлари, рухсатномалар, гувоҳномалар, йўриқномалар ва бошқа босма маҳсулотлар алоҳида ўрин тутган. Уларнинг узлуксиз таъминоти ишлаб чиқариш фаолиятини тартибли ташкил этиш, хўжалик операцияларини расмийлаштириш ва корхона ичидаги ахборот алмашинувини таъминлаш билан бевосита боғлиқ эди.

Дастлаб мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёж бошқа ҳудудлардан келтирилган матбаа ишланмалари ҳисобига қондирилган. Бироқ комбинатнинг кенгайиши ва ҳужжатларга талабнинг ортиши ташқи таъминотга қарамликни камайтириш, босма маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқариш имкониятларини яратиш заруратини юзага келтирди. Натижада Навоий кон-металлургия комбинати таркибида махсус босмахона ташкил этиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, босмахона тарихи орқали Навоий шаҳрининг саноат инфратузилмаси шаклланиши, техник касбларнинг ривожланиши, турли ҳудудлардан жалб қилинган мутахассисларнинг меҳнат тажрибаси ва маҳаллий полиграфия ишлаб чиқаришининг дастлабки босқичларини ўрганиш мумкин. Шу билан бирга, корхона тарихини фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки техник ускуналар билан чеклаб бўлмайди. Унинг фаолияти инсон капитали, касбий билимларни авлоддан авлодга узатиш ва ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш жараёнлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Асосий қисм

Навоий кон-металлургия комбинати босмахонасининг ташкил топиш тарихини, энг аввало, йирик саноат корхонаси шаклланиши билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий жараёнлар доирасида кўриб чиқиш зарур. Комбинатнинг

ташкил этилиши билан унинг таркибида турли ишлаб чиқариш тармоқлари, ёрдамчи хўжаликлар, устахоналар, цехлар ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тизимнинг барқарор ишлаши учун ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш билан бир қаторда ҳисоб-китоб ва ҳужжатлаштириш механизмларини ҳам шакллантириш талаб этилди.

Саноат корхонасининг фаолияти фақат бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланмайди. Хомашё ҳаракати, моддий бойликлар ҳисоби, иш вақти, технологик жараёнлар, меҳнат муҳофазаси, ички назорат, хўжалик операциялари ва ўзаро ҳисоб-китоблар ёзма равишда қайд этилиши лозим. Бундай шароитда стандартлаштирилган бланкалар ва журналлар ишлаб чиқариш бошқарувининг муҳим ташкилий воситасига айланади.

Дастлаб ушбу масалани ҳал этиш учун Ленинобод кон-кимё комбинати тажрибаси ўрганилиб, ўз босмахонасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.[19] Бу маълумот босмахонанинг пайдо бўлиши тасодифий ташаббус эмас, балки ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши билан боғлиқ амалий зарурат натижаси бўлганини кўрсатади.

Дастлабки даврда матбаа маҳсулотлари Тошкент ва Самарқанд каби шаҳарлардан, шунингдек, қўшни ҳудудлардан олиб келинган. Кейинчалик Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятидан ҳам маҳсулот харид қилишга тўғри келган. Ташқи манбалардан таъминланиш зарурати корхонанинг ички эҳтиёжларини тезкор қондириш, маҳсулотларни ўз вақтида олиш ва ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш нуқтаи назаридан қатор ташкилий қийинчиликларни юзага келтирган.[20]

Мазкур ҳолатни саноатлашувнинг ёрдамчи инфратузилмага бўлган талабни оширувчи хусусияти билан изоҳлаш мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажми кенгайган сари унинг узлуксиз ишлашига хизмат қилувчи тармоқлар ҳам мустақил ташкилий ва техник салоҳиятга эга бўлиши керак эди. Босмахона ана шу эҳтиёжга жавоб берган ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаси сифатида шаклланди.

Босмахонани ташкил этиш жараёнида иқтисодиёт бўлими директори Фёдор Михайлович Капитанов ва маъмурий-иқтисодий бўлим бошлиғи Михаил Иванович Ким зиммасига тегишли вазифалар юклатилган. Чаусова хотирасида М.И. Кимнинг босмахона очишга рухсат олиш учун олиб борган ишлари алоҳида таъкидланади. Шундай қилиб, НКМК босмахонасининг

[19] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Мария Василевна Чаусованинг хотираларидан ёзиб олинди. 2025 й

[20] “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архив маълумотлари:

вужудга келиши саноат корхонасининг ички эҳтиёжлари, ишлаб чиқаришни ҳужжатлаштириш зарурати ва ёрдамчи хизматларни маҳаллийлаштиришга қаратилган ташкилий қарорлар билан чамбарчас боғлиқ эди.

Босмахонанинг тарихий тараққиётида 1965 йил октябр алоҳида ўрин тутади. Шу ой корхона ўз фаолиятини бошлаган ва дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқарган давр сифатида қайд этилади.

Мария Василевна Чаусованинг хотирасига кўра, босмахонанинг биринчи маҳсулотларидан бири НКМК бухгалтерия бўлими учун тайёрланган 1000 нусхадаги бланкалар бўлган. Мазкур буюртма корхона бош бухгалтери Лежнев томонидан юборилган. Дастлабки маҳсулотни тайёрлаш жараёнида босмахонанинг биринчи раҳбари Давид Лазаревич Голдман, унинг ўринбосари Тамара Михайловна Сидорова ва Чаусованинг ўзи иштирок этган.[21]

Босмахонанинг илк фаолияти учун шароитлар етарли даражада қулай бўлмаган. Корхона дастлаб Навоий кон-металлургия комбинатининг 1-ГМЗ ҳудудида, назорат-ўлчов асбоблари ва аппаратлари бўлими жойлашган ҳудудда фаолият юритгани айтилади. Матн териш хонасида зарур ускуналар деярли бўлмагани сабабли дастлабки тўпламлар қўлда, ерга чизилган қолиплар асосида тайёрланган. Кейинчалик комбинат таркибидаги Навоий машинасозлик заводи ходимлари матн териш столларини ясаб берганлар.[22]

Бу ҳолат корхонанинг дастлабки босқичида мавжуд техник имкониятлардан фойдаланиш, иш жараёнини амалий эҳтиёжга мослаштириш ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш муҳим рол ўйнаганини кўрсатади.

Биринчи босма ускуна Ленинобод босмахонасидан олиб келингани қайд этилади. У “Тигелешка” деб аталган эски дастгоҳ бўлиб, уни ишга тушириш учун Навоий машинасозлик заводининг техник ходимлари ва механикнинг саъй-ҳаракатлари талаб этилган. Босмахонанинг илк ташкилотчилари ва ходимлари орасида Давид Лазаревич Голдман, Иван Прокофевич Норцев, Павел Николаевич Савелев, Тамара Валентиновна Гулина, Рита Алексеевна Лачкова, Лидия Викторовна Сизова, Мария Василевна Чаусова ва Мария Алексеевна Туманова каби мутахассислар бўлган. Уларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришнинг муайян йўналиши – бошқарув, механика, ҳарф териш, мусаҳҳиҳлик, муқовалаш ёки моддий таъминот билан шуғулланган.

[21] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Мария Василевна Чаусованинг хотираларидан ёзиб олинди. 2025 й

[22] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Тамара Валентиновна Гулинанинг хотираларидан ёзиб олинди.

Муқовалаш хонаси катта бўлмаган, аммо турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда ипли тикув машинаси, симли тикув машинаси, қоғоз кесиш машинаси ва бошқа воситалар мавжуд бўлган. Елим тайёрлаш учун алоҳида мослама ишлатилган, тайёрланадиган маҳсулотлар ва қоғоз захиралари эса ишлаб чиқариш жараёнига мос тарзда жойлаштирилган.[23]

Ушбу маълумотлар босмахонада муқовалаш ишлари мустақил технологик босқич сифатида йўлга қўйилганини кўрсатади. Айниқса, китоблар, албомлар, папкалар ва бошқа кўп босқичли ишлов талаб қилувчи маҳсулотларни тайёрлашда муқовалаш цехининг фаолияти муҳим бўлган. Дастлабки йилларда босмахонада бурғулаш ва чизиқли журналлар, рухсатномалар, малака ошириш сертификатлари, папкалар ҳамда махсус овқатланиш талонлари каби маҳсулотлар тайёрланган.[24]

Бу турдаги маҳсулотларнинг хилма-хиллиги босмахона фаолиятининг фақат битта йўналиш билан чегараланмаганини кўрсатади. Корхона комбинатнинг турли таркибий бўлинмалари эҳтиёжларига мос равишда ҳар хил шакл ва вазифага эга бўлган босма маҳсулотларни тайёрлашга ихтисослашган.

1973 йилга келиб босмахонанинг матн териш хонасида тўртта ҳарф териш кассаси мавжуд бўлгани, ушбу иш жойларида икки сменада ишлайдиган ўнта қўлда ҳарф терувчи фаолият юритгани қайд этилади. Бу маълумот ишлаб чиқаришнинг муайян босқичида қўлда ҳарф териш ҳали ҳам муҳим ўрин тутганини, меҳнат ҳажми эса бир неча сменада ишлашни талаб қилганини англатади.[25]

Босмахона ривожида кадрларни тайёрлаш ва касбий билимларни узатиш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Устоз-шогирд муносабатлари нафақат меҳнат кўникмаларини ўргатиш, балки маҳсулот сифати, технологик интизом ва ишга масъулият билан ёндашиш тамойилларини шакллантириш воситаси бўлган.

Босмахона тарихидаги муҳим босқичлардан бири 1973 йилда унинг янги бинога кўчирилиши бўлди. Дастлаб ишлаб чиқариш жараёнлари учун мослаштирилган чекланган майдонларда фаолият юритган корхона кейинчалик махсус ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқлаштирилган бинога эга бўлди.1973 йилда босмахона янги бўлмаса-да, ўз биносига кўчиб

[23] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Таисия Николаевна Осипованинг хотираларидан ёзиб олинди.
[24] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Людмила Василевна Черникееванинг хотираларидан ёзиб олинди.
[25] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Тамара Петровна Безгина хотираларидан ёзиб олинди.

ўтган. Ходимлар бинони ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш, ҳовлини ободонлаштириш, дарахт ва гуллар экиш, дам олиш жойларини ташкил этиш ҳамда қоғоз ва ёқилғи сақлаш учун ёпиқ бинолар қуришда фаол иштирок этганлар. Янги бино аввал хизмат кўрсатиш маркази сифатида фойдаланилган бир қаватли иншоот бўлган. Капитал таъмирдан кейин босмахона эҳтиёжларига мослаштирилган. 1973 йил баҳорида таъмирлаш ишлари якунланиб, кўчишга тайёргарлик бошланган ва июн ойида жамоа янги бинога тўлиқ кўчиб ўтган. Эски бинодаги ишлар давом этган ҳолда айрим ходимлар янги бинода ускуналарни ўрнатиш ва тайёрлаш билан шуғулланган қайд этилади.

1966 йилдан бошлаб босмахонанинг турли бўлимлари учун ускуналар харид қилиш ишлари жадаллашган. Матбаа бўлими учун янги пресслар, китоб муқовалаш бўлими учун линотип билан боғлиқ ускуналар, қуйма дастгоҳлар, қоғоз кесиш ва тахлаш машиналари ҳамда винтли пресслар сотиб олинган.

Маҳсулот турларининг кенгайиши босмахона фаолиятининг ўзгариб борганини кўрсатади. Дастлабки босқичда асосий эътибор ишлаб чиқариш бошқаруви ва ҳисоб-китоб учун зарур ҳужжатларга қаратилган бўлса, кейинги даврларда китоблар, албомлар, табрик папкалари ва бошқа мураккаброқ маҳсулотларни тайёрлаш имкониятлари ҳам шаклланган.

Бунда муқовалаш цехининг аҳамияти алоҳида бўлган. Чунки китоб, албом ёки кўп саҳифали ҳужжатни тайёрлаш босма жараёни билан тугамайди. Саҳифаларни йиғиш, тикиш, кесиш, муқовалаш ва тайёр маҳсулотни якуний ҳолатга келтириш каби операциялар ҳам ишлаб чиқариш сифатини белгилайди. Фахрий ходимларнинг хотиралари айнан шу жараёнларнинг кўп меҳнат, касбий маҳорат ва синчковлик талаб қилганини кўрсатади.

Кейинги техник янгиланишлар қаторида ГТО-52-2-П, ҚМ-46-1, ҚМ-46-2 русумли босма ускуналари, ПОЛАР-92 қоғоз кесиш дастгоҳи, САНОН-3525 нусха кўчириш қурилмаси ва РИЗО ускунаси қайд этилган.[26]

Мазкур ускуналарнинг мавжудлиги босмахонанинг турли босма ва нусха кўчириш ишларини бажариш имкониятларини кенгайтирган. Технологик тараққиётнинг муҳим хусусияти шундаки, у фақат мавжуд ускуналарни алмаштириш билан чекланмайди. Янги техника маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, буюртмалар турини кенгайтириш ва корхонанинг рақобатбардошлигини кучайтириш учун имконият яратади. Бироқ ушбу имкониятларнинг амалий натижаси

[26] Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси директори Маъмур Хатамов билан суҳбат асосида ёзиб олинди – 2025 йил.

ускуналардан фойдаланиш даражаси, ходимлар малакаси, ишлаб чиқариш харажатлари ва бозор талабига ҳам боғлиқ.

Дастлабки жамоа таркибида турли ҳудудлардан келган рус, латиш, эстон, ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакиллари фаолият юритган. Мазкур ҳолат Навоий шаҳрининг саноат маркази сифатида шаклланиши жараёнида турли ҳудудлардан келган мутахассислар ва маҳаллий ходимларнинг биргаликдаги меҳнати муҳим рол ўйнаганини кўрсатади.

Навоий шаҳридаги матбаа фаолиятининг бугунги ривожланишини ўрганишда НКМК босмахонаси тажрибаси тарихий асос сифатида аҳамиятлидир. Бироқ тарихий корхонанинг фаолияти билан замонавий босмахоналар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини айнан бир жараён сифатида талқин қилиш тўғри бўлмайди. Уларнинг технологик воситалари, маҳсулот турлари, иш жараёнлари ва иқтисодий шароитлари ўзгариб борган. Шунинг учун тарихий давомийликни бевосита ташкилий ворислик эмас, балки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, касбий тажриба ва матбаа маданиятининг ривожланиши нуқтаи назаридан баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Навоий кон-металлургия комбинати босмахонаси тарихи йирик саноат корхонасининг ривожланиши билан боғлиқ ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқлари қандай шаклланиши ва такомиллашишини кўрсатувчи муҳим тарихий тажрибадир. Босмахонанинг ташкил топиши саноатлашувнинг ички эҳтиёжлари билан белгиланади. НКМК таркибидаги корхоналар ва бўлинмалар фаолиятининг кенгайиши ҳисоб-китоб ҳужжатлари, бланкалар, журналлар, рухсатномалар ва бошқа босма маҳсулотларга талабни оширган.

Дастлабки ускуналарнинг чекланганлиги, қўлда ҳарф териш ва эски дастгоҳларни қайта ишга туширишга тўғри келгани эса корхона фаолияти мавжуд ресурслардан фойдаланиш, техник мослашув ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш асосида шаклланганини кўрсатади.1973 йилда янги бинога кўчиш босмахонанинг ташкилий ва моддий-техник ривожланишида муҳим босқич бўлди. Мазкур босқични босмахонанинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси такомиллашган даври сифатида баҳолаш мумкин. Корхонанинг ривожланиши технологик янгиланиш ва инсон капиталининг ўзаро таъсири орқали кечган. Малакали матбаачилар, мусаҳҳиҳлар, муқоваловчилар, механиклар ва бошқа мутахассисларнинг тажрибаси технологик имкониятлардан самарали фойдаланиш учун зарур шарт бўлган.

Умуман олганда, НКМК босмахонаси тарихи Навоий шаҳрининг саноатлашув жараёнини янада кенгроқ – ишлаб чиқаришни бошқариш, ҳужжат айланиши, касбий меҳнат, технологик тараққиёт ва матбаа маданияти ўзаро боғлиқлиги доирасида англаш имконини беради.

Фойдаланилган манбалар

1. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архив маълумотлари:
2. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Мария Василевна Чаусованинг хотиралари
3. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Мария Василевна Чаусованинг хотиралари
4. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Тамара Валентиновна Гулинанинг хотиралари
5. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Таисия Николаевна Осипованинг хотиралари
6. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Людмила Василевна Черникееванинг хотиралари
7. “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси босмахонаси архивида сақланаётган Тамара Петровна Безгина хотиралари.
8. Дала маълумотлари: “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси директори Маъмур Хатамов билан суҳбат асосида ёзиб олинди – 2025 йил.